ЎзССР Давлат китоб палатаси
271295

Илм ўзни билмакдир

# Маърифат

MA'RIFAT ✶ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ✶ معرفت

*1931 йилдан чиқа бошлаган* 1995 йил 13 декабрь, чоршанба **Баҳоси сотувда эркин нархда.** *49 (6695)*

## ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Шу кунларда мамлакатимизда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Маълумки, қутлуғ ва муқаддас байрамимиз — истиқлолнинг тўрт йиллик тўйи муносабати билан республикамиз Президенти мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий қудрати ва шон-шуҳратини оширишга қўшган шахсий ҳиссаси учун бир гуруҳ меҳнат фидойиларини мукофотлаш тўғрисида Фармонлар чиқарган эди. Мазкур Фармонларга биноан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалига, «Дўстлик», «Меҳнат Шуҳрати», «Шон-Шараф» орденларига, «Жасорат», «Шуҳрат» медаллари ҳамда республика фахрий унвонларига сазовор бўлган кишилар орасида ишчи ва деҳқонлар, олим ва ижодкор зиёлилар, муаллим ва шифокорлар, хизматчи ва мутахассислар — қисқача айтганда, юртимиз истиқболи йўлида ҳалол тер тўкаётган турли касб эгалари бор.



Конституция куни арафасида — 7 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу замондошларимизга Ватаннинг юксак мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг Президент олий мукофотлар — республикамиз орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонларини тантанали суратда соҳибларига топширди.

«Миллий тикланиш» газетаси бош муҳаррири И. Ғафуров, Бухоро шаҳридаги «Зардўз» акционерлик жамияти юксак бадиий буюмлар тайёрлаш участкасининг катта устаси М. Темирова, Навоий тоғ-металлургия комбинати «Восток» кони шимолий руда бошқармаси экскаватор машинистлари бригадаси бошлиғи А. Панин, республика Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи И. Фозилов, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театри балетмейстери Г. Измайлова, В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг чилангар-йиғувчиси Э. Алимуҳамедов ва бошқалар мукофотланганлар номидан сўз олиб, эл-юрт фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталиги йўлида бундан кейин ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилажакларини билдирдилар. Камтарин меҳнатлари эвазига кўрсатилган юксак эътибор ва ишонч учун юртбошимизга, республика ҳукуматига миннатдорлик тўла дил сўзларини изҳор этдилар.

Маросимда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

**(ЎзА).**

*СУРАТДА: мукофотларни топшириш пайти.*

**А.ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Ўзбекистон халқ таълими вазирлигида.*

## ҚАТЪИЙ ИЖРО УЧУН

Маълумки, шу йилнинг 29 ноябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди ва унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Мазкур нутқда мамлакатимизда, хусусан, Қашқадарё вилоятида ижтимоий-иқтисодий islоҳотларнинг бориши чуқур таҳлил этилди, бир қатор соҳаларда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар рўй-рост очиб ташланди ҳамда уларни бартараф этиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди.

Республикамиз Президенти ўз нутқида ёшлар тарбияси ва халқ таълимини ривожлантиришдаги нуқсонларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, қишлоқ жойларида ташкил этилган ўрта махсус ва ҳунар ўқув юртлари аҳволининг ночорлиги, ўқув дастурлари ва дарсликлар етишмовчилиги, бу соҳадаги аксарият ўқитувчилар ва ҳатто раҳбарларнинг малака ва маданияти ачинарли эканлиги ҳаққоний танқид остига олинди. Шу билан бирга авария ҳолатидаги мактаблар сони кўп бўлишига қарамай, қурилиш ишларида сусткашлик рўй бераётгани, айрим фанлар бўйича ўқитувчилар етишмаётгани, мактаб раҳбарларидан ўн етти фоизи тест синовларидан ўта олмаганликлари алоҳида таъкидланди.

Сирасини айтганда, халқ таълими борасида Қашқадарё вилоятида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларнинг кўпчилиги Республикамизнинг бошқа вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси фаолиятида ҳам учрайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 2 декабрда бўлиб ўтган ҳайъат йиғилиши «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи ва шу асосда халқ таълими муассасаларининг вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда Президент нутқида баён этилган вазифалар, қоида ва хулосаларни халқ таълими муассасалари фаолиятига изчил татбиқ этиш вазифа қилиб қўйилди. Президент нутқи асосида ишлаб чиқилган тадбирларда эса ҳар бир масалани ҳал этиш муддати, масъул шахслар ва ижро назорати қатъий белгиланди.

Яна шу нарса алоҳида таъкидландики, камчилик ва нуқсонларни юқоридан аниқлангандан сўнггина бартараф этиш учун киришиш таълим тизими учун мақбул йўл эмас. Бош мақсад — таълим-тарбия жараёнини мустақил мамлакатимиз маорифи талаблари асосида ташкил этиш, энг қуйи поғонадан юқори бўғингача юксак масъулият ҳиссини қарор топтиришдан иборат.

**Мухбиримиз.**

*«Маърифат» хабарлари*

### «УСТОЗ» ИШГА ТУШДИ

Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги «Устоз» дам олиш маскани ўқитувчиларнинг ажойиб оромгоҳига айланди. Унинг «Устоз» деб аталиши кекса педагог Набижон Махсумов меҳнати, елиб-югуришлари билан боғлиқ. Н. Махсумов санаторийнинг ташкил этилишига бош хайрихоҳлардан бўлиб, хизмати кўпроқ сингган эди.

Дам олиш маскани 70 ўринли бўлиб, унда вилоят ҳудудида истиқомат қилувчи халқ таълими ходимлари ҳордиқ чиқаришмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, Рапқон қишлоғидаги бу оромгоҳ шифобахш суви билан ошқозон-ичак, жигар, ўт йўллари, буйрак, асаб, бод касалликларини тезликда даволаш хусусиятига эга. «Трускавецк» санаторийсидан сира қолишмас экан!» — дейишмоқда «Устоз»да дам олувчилар. Тилга тушган бу оромгоҳда ўринлар ҳамиша банд.

### ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика прокуратурасининг бир гуруҳ ходимлари Тошкент Давлат Университети қошидаги С.Ҳ.Сирожиддинов номли лицей-интернат ўқувчилари билан учрашдилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасидан М.Н. Тоштемиров, В.Т.Тошхўжаева, Х.М.Худоёрова, Г.Х.Умарова, шунингдек, Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Н.Ф.Файзуллаевлар иштирок этишиб, ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Республика прокуратурасининг катта прокурори Муҳаммадали Тоштемиров Ўзбекистон Конституцияси ҳақида фикр юритди. У ўз сўзида миллий қомусимизнинг турмушда тутган ўрнига батафсил тўхталди. Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Нарзулло Файзуллаев эса шаҳар прокуратураси томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Анжуманда лицей-интернат директори М.А.Мирзааҳмедов учрашувга ташриф буюрган юристларга ташаккур изҳор қилди.

### БИРИНЧИ СИНФДА... 70 ЎҚИТУВЧИ

Сарлавҳани ўқиб ажабланманг, азиз муштарий. Гап шундаки, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг биринчи синф муаллимаси Сулувхон Холбоева ўтказган очиқ дарсга 70 ўқитувчи қатнашди. Дарс таҳлили юзасидан шаҳар халқ таълими бўлимининг услубчиси Жақсилиқ Ўтениёзов, мактаб директори Урингул Қўшибоева, бошланғич синфлар бўйича директор ўринбосари Пошша Исмоилова, илм даргоҳларидан келган 70 нафар зиёлининг барчаси чиқиб сўзлади. Улар «Сулувхоннинг очиқ дарси ғоят мазмунли ва сулув ўтди» дейишиб, якдил хулоса чиқаришди.

### КОНСТИТУЦИЯ ВА ТАРБИЯ

— Асосий қонунимизни болалар онгига сингдиришни ўқитувчиларимиз ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган, — деб хабар беради Ғаллаорол туманидаги 33-мактабнинг болалар ва ўсмирлар етакчиси Тозагул Жуманазарова. — Улар деярли ҳар бир дарсда бу ҳақда тўхталиб, ўқувчиларга атрофлича тушунча беришаяпти. Яқинда мактабимизда бўлиб ўтган йиғилишнинг асосий мавзуси ҳам Конституция ва ёшлар тарбияси ҳақида бўлди. Одатда ўз ҳуқуқини, бурчини билган инсон тарбияли ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари эса асосий қонунимизда аниқ ва лўнда ёзиб қўйилган. Демак, Конституция тарбиянинг бош омилидир.

### ДИЙДОР ДАМЛАРИ

Республика Таълим илмий-методика марказида «Фахрий ўқитувчилар кенгаши»нинг ташаббуси ва ХТВ қошида ташкил этилган «Жаҳонгир» фирмасининг ҳиммати туфайли Конституция кунига аталган байрам дастурхони тузалди. Бу ерга пойтахтнинг турли туманларидан бир-бирлари билан дийдорлашиб, байрам билан қутлагани 40 чоғли фахрий ўқитувчилар қадам ранжида қилдилар. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ўз муовинлари билан ташриф буюрганда эса, кексалар дилига нур, дийдор дамларига янада файз киргандек бўлди.

Фахрийларимиз бу ердаги байрам паловини ва дилтортар гурунгни анчагача эслаб юрадиган бўлишди.

**(Ўз ва жамоатчи мухбирларимизнинг хат-хабарлари асосида тайёрланди).**

*Менга сўз беринг*

## ВУЖУДИМ СЕЛ БЎЛИБ КЕТДИ



Турмушимиз қувончли тасодифларга нақадар бой. Кимгадир лотореяга катта ютуқ чиқади. Бир-бирини кўп йиллар кўрмаган қадрдонлар қаердадир дафъатан учрашиб қолишади. Ишқилиб, ҳаётда кўз қувонтирадиган, дил яйратадиган воқеалар кўп учрайди.

Мен эса ўзимга «Меҳнат Шуҳрати» орденининг берилишини тасодифий ҳол деб ҳисобламасдим. Қачондир вақт келиб, муаллимликнинг нонини еётганим қандайдир даражада қадрланишини, баҳоланишини юрагим сезарди. Ўз исмишарифимни халқ таълими ходимлари куни арафасида бир гуруҳ маорифчилар рўйхатида кўриб, ҳаяжондан юрагим ҳаприқиб кетди. Ўзимни қўярга жой топа олмадим. Бу шунчаки бир қувончдан эмас, балки ҳозирги шароитда айрим ҳамкасбларимизнинг мактабни, болаликнинг сирли дунёсига айланган мактабни тарк этиб кетишаётган бир пайтда биз каби оддий ўқитувчиларнинг руҳий дунёсига маънавий озуқа бўлди.

Миллий Қомусимизнинг уч йиллиги арафасида республикамиз Президенти И. А. Каримов шахсан ўзи бизга бу мукофотларни топшираркан, тўғриси, вужудим сел бўлиб кетди. Орден фақат менга эмас, бутун жамоамиз меҳнатига берилган баҳодир. Мен меҳнат фаолиятимнинг кейинги 6 йилини Акмал Икромов туманига қарашли мазкур 287-мактабда давом эттирганим учун бутун қувончим ҳам, ташвишларим ҳам ана шу маскан билан узвий боғлиқ деб ўйлайман.

Мактабимизда 1600 нафар ўғил-қиз тарбияланаётир. Уларга 80 дан зиёд мураббийлар ўз фанлари бўйича сабоқлар беришади. Мен эса бошланғич таълим бўйича илмий бўлим мудири вазифасида ишлайман. Гап лавозимда ёки мартабада эмас, балки фарзандларини мактабга бирор нарса ўргансин деб кузатаётган ота-оналар, жамият олдидаги бурчимизни тўла англаб етишда, улар олдидаги қарзимизни адо этишда.

Маҳалла, оила, мактаб бир-бирига уланиб кетган занжирга ўхшайди. Ана шу занжирнинг ҳалқалари пишиқ-пухта бўлса, бугунги ўқувчидан эртага биз орзу қилган инсонлар етишиб чиқади. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда, мактабимизда Катта Қаъни маҳалласи билан яхшигина ҳамкорлик ўрнатилган. Обрў-эътиборли, зиёли кишилардан иборат ота-оналар қўмитаси дирекция раҳбарлигида мактаб ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратмоқда. «Бир болага етти маҳалла тарбия беради» дейдилар. Бу рост гап. Бинобарин, тарбия мактабнинг, маҳалланинг ёки дейлик, оиланингтина эмас, балки ҳамма-ҳамманинг иши бўлмоғи керак.

**Мастура ҚАЮМОВА,
Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 287-мактабнинг бошланғич таълим бўйича илмий бўлим мудири.**

*Халқ таълими бўлимларида*

*Ўзбекистон келажаги ҳозир ўрта умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган ёшлар қўлида. Уларнинг ҳар жиҳатдан етук, комил инсонлар бўлиб етишишлари эса бугунги кунда халқ таълими тизимида олиб борилаётган ўқув-тарбия ишларининг сифатига ҳам боғлиқ. Наманган тумани халқ таълими бўлимининг мудири Абдукарим ЖАЛИЛОВ жамоатчи мухбиримизга шу хусусда сўзлаб берди.*

## ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Ота-боболаримизнинг асрий орзуси бугун, бизнинг давримизда юзага чиқмоқда. Айниқса, сиёсий-иқтисодий турмушимизда содир бўлаётган ўзгаришлар: бозор муносабатларининг босқичма-босқич ҳаётимизга кириб келаётгани улуғ инқилобий янгиланиш жараёни кечаётганидан далолат. Худди мана шу шароитда халқ таълими тизими зиммасида ҳам ўта зарур вазифалар турибдики, буларни биз вазминлик, тафаккур қудратига таянган ҳолда амалга оширишимиз лозим. Туманимиз маорифчилари мактаб ислоҳотига ана шу тарзда ёндошмоқдалар.

Бугунги кунда туманимиз халқ таълими бўлими шохобчалари шакл ва мазмун жиҳатдан янгиланмоқда. 41 та мактабда 31506 нафар ўқувчига 1996 нафар педагог таълим-тарбия беряпти. 50 та болалар боғчасида 3500 нафар кичкинтой улғаймоқда. 38 та ошхона болаларни овқатлантириш учун хизматда. Мактабларимизда компьютерлаштирилган хоналар, ўқув устахоналари, кутубхоналар етарлидир.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддасига асосан, ўқитувчилар билан битим асосида ишлашга ўтилди. 1750 нафар педагог-кадр мактаб маъмурияти билан ўзаро шартнома имзолади. Битим якунларига кўра 300 нафардан ортиқ мураббийнинг тоифалари ўзгартирилди. Туман халқ таълими бўлимида низоли масалаларни кўриб чиқувчи эксперт комиссияси ҳам тузилди.

Бир қатор мактабларда ўқитиш услубининг янги-янги йўналишлари бўйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, 8-мактабда миллий қадриятларни тиклаш, 22-мактабда шарқ педагогикаси асосларидан таълим жараёнида фойдаланиш, 20-мактабда маъмуриятнинг ходимлар билан битим асосида иш ташкил этиши борасида анчагина тажрибалар тўпланди. 37-мактабда педагогик йўналишдаги махсус синфлар очилди.

Ўқувчиларнинг қобилиятига кўра, табақалаштириб ўқитишга ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Ҳозир табақалаштириб ўқитилаётган синфлардаги ўқувчилар сони 2517 нафарга етди. Фанларни чуқурлаштириб ўқитиш ҳам диққат-марказимизда. Айниқса, математика, жисмоний тарбия, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили фанлари чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўргатиляпти. Физика, математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, химия, биология фанларининг ўқитилиши аввалги йиллардагига нисбатан бирмунча яхшиланди.

Ўтган ўқув йилидан бошлаб 4 ва 40-мактабларнинг бошланғич синф ўқувчиларига факультетив ҳисобидан инглиз тилини ўргата бошладик. Шунингдек, ўқувчилар билимини тест усулида синаш ва баҳолаш оммавийлашиб бормоқда. Ҳатто имтиҳон ва олимпиадаларда ҳам шу усулни қўллаяпмиз. Бу эса яхши натижалар беряпти.

Маълумки, фан олимпиадалари ўқитувчилар меҳнатини юзага чиқарадиган омиллардан биридир. Кейинги йилларда бу тадбирни такомиллаштиряпмиз. Туман мусобақаларида 75 ўқувчи турли фанлардан ғолиб чиқди. Лекин бир неча нафар ўқувчигина республика олимпиадаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди, холос. Шунинг учун бу йилги синовларни янги талаблар асосида ташкил этяпмиз.

Давр кишилардан тадбиркор, касб-ҳунарли бўлишни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, 39 та мактабда дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик, 3 та мактабда тўқувчилик, бир қатор мактабларда наққошлик, пазандалик, тракторчилик каби касб-ҳунарлар ўргатиляпти. 16,23,27-мактабларда тракторчилик ихтисослигини ўрганаётган ёшларга пировардида мутахассислиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Ўқувчилар мактабни тугатгандан сўнг шу касб бўйича ишлайверишлари мумкин.

32-мактабда 45 ўқувчига тикувчилик касби ўргатиляпти. Шу соҳа мутахассиси Одилжон Файзибоев раҳбарлигидаги бу тўгарак аъзолари ҳозирдаёқ костюм, шим, куртка, юбка, болалар кўйлаклари ва бошқа кийимлар тикишни ўрганиб олишган. Бу каби тўгараклар сони келгусида янада кўпаяди. 35,15-мактабларда ҳам косиблик ва этикдўзлик тўгараклари очилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, илм масканларида олиб борилаётган ўқув-тарбия ишларини янада яхшилашда айрим оталиқ ташкилотларининг ёрдами катта бўлаяпти. Тошбулоқ пахта тозалаш заводи ўтган йили 22-мактаб модий техника базасини мустаҳкамлаш учун 100 минг сўм пул ажратди. «Зилол сув» фирмаси 37-мактабга моддий ёрдам кўрсатиб келяпти. Фирма 100 нафар аълочи ўқувчи учун стипендия фонди ажратган. Шунингдек, Охунбобоев номли, Қозоқжон Солиев номли ва бошқа жамоа хўжаликлари томонидан ҳам мактабларга ана шундай оталиқ ёрдами кўрсатиляпти.

Лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувига босқичма-босқич ўтиш юзасидан белгиланган вазифаларни ҳам бажариб келяпмиз. Бунинг учун 120 нафар малакали мутахассис ўқитувчи талаб этилади. Ҳозир вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ва туман халқ таълими бўлимида ташкил этилган гуруҳда 80 нафар педагог янги алифбони ўқитишга тайёргарлик бўйича қайта тайёрловдан ўтди. Май ойига қадар яна 40 нафар ўқитувчи ана шу мақсадда малака оширади.

Халқ таълимидаги туб сифат ўзгаришларининг бош ижрочиси, бу ўқитувчидир. Шунинг учун Президентимиз ва ҳукуматимиз ўқитувчи-мураббийлар обрў-эътиборини оширишга, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга муттасил ғамхўрлик қилиб келяпти. Кейинги йилларда бу борада чиқарилган Президентимизнинг қатор фармонлари фикримизнинг далилидир. Биргина бизнинг туманимизда 2408 педагог электр қувватидан, 1303 нафар ўқитувчи табиий газдан, 720 таси эса ичимлик сувидан бепул фойдаланади. Кейинги 5 йил ичида 52 киши уй сўраб ариза берган эди. Ҳозиргача 40 кишининг талаби қондирилди. 12 киши эса навбатда турибди. Давлат уйларида яшаётган 119 кишининг турар-жойи хусусийлаштириб берилди. 1990 йилдан буён 567 кишига уй-жой қуриш учун ер участкаси берилди. 1100 кишига кўмир ўрнига товон пули тўланди. 62 кишига даволаниш учун ўқитувчи фондидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, жойлардаги жамоа хўжаликлари ўзлари етиштирган шоли, буғдой, ёғ каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўқитувчиларга арзон нархларда сотишни йўлга қўйдилар.

Умуман, биз халқ таълими ходимлари олдига қўйилган вазифалар улкан ва масъулиятлидир. Уни адо этиш учун астойдил ишлашимиз, замон талабларига ҳамоҳанг иш юритишимиз лозим.

**Суҳбатни Мусохон АКМАЛОВ ёзиб олди.**

## ОБУНА-96

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

*Қадрли халқ таълими ходимлари: муаллимлар, профессор-ўқитувчилар, тарбиячилар ва талабалар!*

*Доимий ҳамроҳингиз, яқин дўстингиз ва маслаҳатчингиз, ўз қадрдон нашрингиз — «Маърифат» газетасига обуна давом этмоқда. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.*

Фуқаролар учун:
**1 йилга — 492 сўм**
**6 ойга — 246 сўм**
**Фуқаролар учун нашр индекси — 64595**
Корхона ва ташкилотлар учун:
**1 йилга — 648 сўм**
**Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683**

Алоқа ва почта хизматлари яқинлиги ва гавжумлиги инобатга олиниб, Тошкент шаҳри учун алоҳида обуна нархи белгиланди.

Фуқаролар учун:
**1 йилга — 360 сўм**
**6 ойга — 180 сўм**
**Фуқаролар учун нашр индекси — 64595**

Корхона ва ташкилотлар учун:
**1 йилга — 648 сўм**
**Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64683**

## БИРВАРАКАЙИГА БАРЧА НАШРЛАРГА

*Обуна усули*

Ўтган йили «Маърифат»дан ташқари бирорта газета-журналга обуна бўлолмадим. Чунки маошлар кечиктириб берилди. Бунинг устига обуна нархлари ошди. Баъзи ёзилган газета ёки журнал иқтисодий танқислик оқибатида нашр қилинмай қолди. Лекин ўзимиз сомончаю талабимиз осмонча, барча нашрларни ўқигимиз келади. Ахир, «қирқта бўлса, қилиғи бўлак»да. Мустақиллик шарофати билан турли янги нашрлар пайдо бўляпти, мавзулари турли-туман, қизиқ ва ўқишли бўлиб боряпти. Фарғонада «Устоз» деган газета нашр қилинаётир. Барчанинг оғзида «Устоз». «Устоз»га обуна бўлдингизми, зўр газета эканда ўзиям. «Маърифат»нинг укаси эканми?» деб сўрашади бир-биридан муаллимлар.

Республикадаги барча нашрларга обуна бўлишга қўлимиз калталик қилаётган эди. Риштон тумани халқ таълими бўлими бунинг йўлини топди. Барча нашрларга шахсан обуна бўлмай ҳам ҳаммасини ўқий олармиканмиз. Нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича мактаблардаги барча ўқитувчиларга рўйхат билан 50 сўмданга имзо чектирилди. Бу пуллар обунага бўлим бухгалтерияси томонидан нақд пулсиз ўтказилади. Ҳар бир мактаб истаган нашрига 5-10 тадан ёзилади. Масалан «Маърифат» 10 та, «Устоз» 10 та, «Халқ таълими» журнали 10 та ва ҳоказо... Бу нашрларнинг барчаси мактабга келтирилади. Ўқитувчилар хонасига, мактаб кутубхонасига, услубхонага, ўқитувчиларнинг дам олиш хоналарига тикиб қўйилади. Ҳеч ким нашрларни уйига олиб кетмайди-ю, бўш вақтида фойдалана олади. Шундай қилиб, тумандаги 3,5 минг ўқитувчи ва мингдан ортиқ халқ таълимининг хизматчилари кўплаб, турли-туман нусхадаги газета ва журналларнинг нашрларини ўқий олишлари мумкин. Қанча пулларимиз тежалган ҳолда ўз соҳамизга доир қанчадан қанча янгиликлардан баҳраманд бўламиз. Обунанинг бундай усулини бошқа ҳамкасбларимизга ҳам тавсия этамиз.

**Аминжон ИСКАНДАРОВ
Риштон тумани.**

## 60 ЁШЛИ МУБОРАК МАСКАН

# РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИ:

### КЕЧА...

Ушбу даргоҳ 1935 йилнинг 24 июнида Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг қарорига биноан дастлабки мактабдан ташқари муассаса сифатида ташкил этилди. Ўша пайтда Тошкент шаҳридаги энг ҳашаматли собиқ князь саройи болалар ихтиёрига топширилди.

***

1935 йилдан 1961 йилга қадар бу маскан Тошкент шаҳар пионер ва ўқувчилар Саройи, сўнгра, 1992 йилга қадар Республика пионер ва ўқувчилар Саройи деб юритилган. 1992 йилдан бошлаб эса ўзининг бугунги номини олди— Республика ўқувчилар Саройи деб аталди.

***

1980 йили пойтахтимизнинг марказий кўчаларидан бирида Саройнинг янги биноси қад кўтарди.

***

Республикамизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фаррух Зокиров, Қаҳрамон Дадаев, Қизлархон Дўстмуҳаммедова, Дилафрўз Жабборова, Қодир Мўминов, Насиба ва Зиёда Мадраҳимовалар, Гулчеҳра Жамилова, Дилмурод, Холмурод ва Элмурод Исломовлар, фан доктори М. Тешабоева, режиссёр Анатолий Қобулов, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг ректори, профессор Офелия Юсупова, профессор Аҳмаджон Одилов ва бошқа халқимиз суйган юзлаб олимлар, санъат ва маданият арбоблари Сарой тўгаракларини ва дасталарида илк касб малакаларини эгалладилар.

### ... БУГУН...

Ҳозирги кунда 4360 нафар ўқувчи 218 та турли тўгарак ва дасталарда ўз билимларини чуқурлаштиришяпти. Улар учун Сарой қошида 5 та бўлим ва 7 йиллик мусиқа мактаби фаолият кўрсатмоқда.

***

Саройнинг Тўйчи Иноғомов номидаги доирачилар дастаси, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи мукофоти совриндори «Юлдуз» болалар рақс дастаси, «Чаман» намунали болалар ҳаваскорлик халқ дастаси, « Бойчечак» хор жамоаси, «Ўзбек халқ чолғу асбоблари» дастаси, «Ғунча» вокал-чолғу дасталари нафақат мамлакатимизда, балки МДҲ ва бошқа хорижий давлатларда ҳам довруғ таратган.



***

Радиоконструкторлик тўгарагининг қатнашчилари радио тармоқлари орқали чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан мингдан ортиқ алоқа ўрнатишди. Самолётсозлик тўгараги аъзолари эса Халқаро аэрокосмик мактабининг ҳақиқий аъзоларидир.

***

«Оила йили» муносабати билан ЮНЕСКО томонидан ўтказилган халқаро болалар ижодий кўрик-танловида Саройнинг тасвирий ва амалий санъат бўлими ўқувчилари муваффақиятли иштирок этдилар. Тўгарак аъзоларидан Ш. Маҳмудова, М. Ҳошимов, Т. Турдихўжаев, М. Шожалиловаларнинг ишлари юксак баҳоланиб, Париж йилномасида босилиб чиқди.

***

Муассаса қошидаги Методик бўлим томонидан сўнгги икки йил давомида синф раҳбарлари, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича директор муовинлари, болалар етакчилари, тўгарак раҳбарлари учун 30 хилдан зиёд методик тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқилиб, жойларга жўнатилди.

***

Ҳозир Саройнинг 185 нафар ходимлари орасида 2 нафар фан доктори, 7 нафар фан номзодлари, 3 нафар аспирант, 2 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, 1 нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 2 нафар Республика рассомлар уюшмаси аъзоси, 20 нафар Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочилари бор.

### ... ЭРТАГА-ЧИ?

— Эртадан умидимиз катта, — дейди Республика ўқувчилар Саройи директори Олия Иброҳимова. — Олтмиш йил бурун яхши ниятлар билан бошланган, айниқса бугун янгича режалар билан бойитилган ҳолда олиб борилаётган ишларимиз келажакда ҳам яхши самаралар бериши, шубҳасиз.

— «Янгича режалар»га урғу бериб айтаяпсиз. Демак, Сарой иш услуби бирор ўзгариш топибди-да?..

— Юртимиз мустақиллиги боис биз ҳам ишимизни тубдан қайта кўриб чиқдик. Аввалари ишимиз асосан болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан иборат эди. Шу боис кўпчилик ўқувчилар саройи деганда фақат болаларнинг ўйин-кулгусинигина кўз олдига келтирадиган бўлиб қолганди. Эндиликда нафақат болаларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, балки шу бўш вақтдан фойдаланиб, уларни у ёки бу ҳунарга йўналтириш бизнинг мақсадимизга айланган. Педагогик жамоамиз келгусида мамлакатимизга етук малакали мутахассисларни тарбиялаб бериш мақсадида миллий халқ ҳунармандчилигига оид тўгараклар сонини кенгайтирди. Шунингдек, барча олиб бориладиган ишларни илмий асосланган ҳолда юритишни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйди. Шу мақсадда жамоамизнинг Республика Фанлар Академиясининг олий илмгоҳлари билан ижодий ҳамкорликда, олимлар етакчилигида «Мантиқий фикрлаш», «Ёш иқтисодчи», «Ёш физиклар», «ЭҲМ» тўгаракларини ташкил этиб, асосий эътиборни болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришга қаратаётгани ҳам эътиборга моликдир. Бундан ташқари ЎзФА билан ҳамкорликда кичик Академия ташкил қилиш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

— Олия опа, билишимизча, кўпгина хорижий давлатларда бўлгансиз. Улардаги мактабдан ташқари муассасаларнинг ишини ўзимизники билан солиштириб кўрганмисиз?

— Албатта. Қаерга борсам ҳам биринчи галда мактабдан ташқари муассасалар, уларнинг иш фаолияти билан қизиқаман. Лекин, биласизми, кўпгина давлатларда, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам бундай масканлар йўқ ҳисоби. Борлари ҳам пуллик. Унга ҳамманинг бирдай қурби етавермайди. Биз бу соҳадаги фаолиятимиз билан ҳар қанча фахрлансак, бизга кўнгилдагидек шароит яратиб бераётган ҳукуматимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди. Қаранг, маблағ танқислигига қарамасдан, ҳозир Ўзбекистон ҳудудида 567 та мактабдан ташқари муассасалар, жумладан, 266 та ўқувчилар уйлари ва Саройлари, ёш ижодкорлар марказлари, 136 та ёш техниклар, 138 та экологик, 27 та ёш сайёҳлар марказлари узлуксиз фаолият кўрсатмоқдалар. Бу жуда катта куч. Уларнинг барчасига методик марказ бўлиб ҳисобланмиш Республика ўқувчилар Саройи ходимлари ҳам ёш авлод тарбиясини такомиллаштиришдек долзарб ишни амалга оширишда баҳамжиҳат ҳаракат қилмоқдалар. Эртага ҳам бу даргоҳдан мамлакатимиз донғини оламга ёядиган комил шахслар етишиб чиқажагига ишончим комил, зеро, бу ерда иқтидорини юксалтираётган болаларнинг келажаги умидбахш ва уларга бўлаётган эътибор ҳам албатта бесамар кетмас.



### ҲАМИША ЁДИМИЗДА

Болалик... Инсон умрининг бокира дақиқалари... Бу бокира дақиқаларни умринг бўйи унута олмайсан. Қайтага, ёшинг ўтган сайин хотирангда янада ёрқинроқ намоён бўлаверади бу дақиқалар. Республика ўқувчилар Саройида болалар ҳаёти ҳамиша серзавқ кечади ва ҳамиша бу даргоҳ таҳсилини кўрган минглаб қалбларни серзавқ хотиралар соғинтириб туради. Бу Саройнинг бокиралиги, серзавқлиги шундаки, бу ерда болалар олами мавжуд... Бу Саройнинг яккаю-ягона соҳиби ҳам хотирга бокира дақиқаларни муҳр этгувчи бокарам БОЛАЛИКдир.

***

А. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг ректори, профессор Офелия Юсупова:

— Ўз соҳамни чуқур эгаллашимда Саройнинг жуда катта кўмаги бор. 1946-50 йилларда шу ердаги мусиқа мактабида таҳсил олганман. Ўзимда бор мусиқий билимнинг тамал тоши шу ерда қўйилган десам, хато бўлмайди. Л. Шварц, Л. Разваляева каби устозларимизнинг берган сабоғи ҳали-ҳануз иш фаолиятимда асқотади. Мусиқа мактаби, умуман, ўқувчилар Саройи менга ҳам билим берганди, ҳам янги дўстлар билан топиштирганди. Ҳозир бу дўстлар тез-тез учрашиб турамиз. Вақт топиб Саройга борамиз. Тўгарак ва дасталарга қатнашиб юрган дамларимизни эслашамиз. У дамлар ҳаммамизнинг, ҳамиша ҳам ёдимизда...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилафрўз Жабборова:

— Болалигимнинг энг гўзал дамлари шу Саройда кечган. Балки шу Саройда кечгани учун ҳам менга гўзал дамлар бўлиб туюлар, ким билсин. Ўша даврларни тез-тез соғинишми, қўмсашми... бир кайфият бўлади. Буни сўз билан ифодалаб беришим мушкул.

Республика ўқувчилар Саройининг ҳали ўзбек халқи бағрида жуда-жуда кўп учрайдиган иқтидорларни топиб, камолга етказишига ишонаман. Мен учун қадрдон бўлиб қолган бу даргоҳга таъзим билан «Байрамингиз қутлуғ бўлсин» дейман.

***

Биз ҳам шу ўринда гапни мухтасар қилиб, Сарой томон чоғландик. Чунки, бугун Республика ўқувчилар Саройи ўзининг 60 ёшини нишонламоқда. 60 ёш, гарчанд, инсон умрига нисбатан олиб қаралганда, нуронийлик палласи. Лекин дунёи дунда не-не кўҳна асрларнинг юзини кўрган Саройлар бор. Улар қошида биз сўз юритаётган Сарой ўз бағридаги болаларчалик ёш, беғубор. Ва бу беғуборлик уни умрбод тарк этмагай!

60 ёшинг қутлуғ бўлсин муборак маскан!

**Икром БЎРИБОЕВ.**

## ҲУНАР — ЗАР

Ёруғ ва шинамгина хона. Бу ерга ташриф буюрар эканмиз, нигоҳимиз турли хил кийим-кечак — шарф, пайпоқ, қўлпоқ, жемпер тўқиётган қизларга тушди.

— Бу либосларни кимга тўқияпсизлар? — қизиқиб сўраймиз улардан.

— Яқинда ҳунар масканимиз — Республика ўқувчилар Саройининг олтмиш йиллик тўйи нишонланади. Тўйга тўёна билан бориш азалий удумлардандир. Биз ҳам ана шу қутлуғ санага муносиб совға ҳозирлаяпмиз,— деб жавоб беришди лобар қизлар.

Ҳа, Республика ўқувчилар Саройидаги тўқиш тўгараги ана шундай чевар қизлар билан ҳамиша гавжум. Тўгаракда олтмиш нафар қиз икки гуруҳга бўлиниб, тўқишнинг ўзига хос сирларини ўрганаётирлар.

Тўгаракка Мастура Азизова раҳбарлик қилади. У тўгарак аъзоларига дастлабки йили чокларни, сўнгра, жажжи кичкинтойларга қалпоқча, пайпоқча, шарф тўқиш йўлларини ўргатади. Иккинчи йили тўқишни мустақил ўзлаштириб олишгач, тўгаракда катта буюмлар — жемпер, қўлкоп тўқий бошлайдилар. Учинчи йили эса катта буюмлар тўқишни мустаҳкамлайдилар.

—Тўқиш машғулотларини ўтиш жараёнида, — дейди тўгарак раҳбари Мастура Азизова, — одоб, ахлоқ, муомала маданиятига алоҳида эътибор бераман. Ана шу мавзуларга оид суҳбатлар олиб бораман. Чунки ширинсўз, хушфеъл, чаққон, очиқ чеҳралик сингари олижаноб фазилатлар фақат қизларга хосдир. Қизлар орасида бирон-бир муаммо содир бўлса, дарҳол биргалашиб ҳамфикрлик билан ҳал қилишга ҳаракат қиламан.

Тўгарак аъзолари Сарой юбилейида иштирок этиш учун МДҲ республикалари, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда республикамиз вилоятларидан келадиган меҳмонларга махсус совға — нимча, пайпоқ, шарф ҳозирлашяпти. Шунингдек, Сарой кўргазмалар залида намойиш қилиш учун ҳам либослар — жемпер, пайпоқ, нимча тайёрлашаётир. Ана шундай совғаларни тўқишда Феруза Қўшоқова, Гавҳар Усмонхўжаева, Арофат Аъзамова, Гулбаҳор Одилова сингари чевар қизлар бошқаларга намуна бўлишмоқда.

— Тўқиш тўгарагига уч йилдан буён қатнашаман, — дейди 234-мактаб ўқувчиси Нигора Нуриддинова. — Тўгарак раҳбаримиз тўқишнинг ўзига хос нозик сирларини сидқидилдан ўргатадилар. Мен адамларга, ойимларга, ўзимга турли кийим-бошлар тўқидим. Ўрганган ҳунаримни сингилларимга ҳам ўргатяпман. Саройимиз юбилейига жемпер ва юбка тўқиб туҳфа қилмоқчиман.

Мастура машғулотларни қизиқарли ўтиш, унга болаларни жалб қилиш, айниқса, қизлар билан муомала қилиш — тиллашиш йўлларини тажрибали устози — халқ маорифи аълочиси Умида опа Турғуновадан ўрганди. Ҳали ҳануз айрим ечолмаган муаммоларни ҳал қилишда у билан яқиндан маслаҳатлашади.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**



Суратларда: ● Жонажон саройимиз... ● Республика ўқувчилар Саройи директори Олия Иброҳимова иш устида. ● «Доирачилар» дастаси қантнашчилари. ● Тўқиш тўгарагидаги қизғин машғулотлар.

**Р. Альбеков олган суратлар.**

## ТИББИЁТ ХОДИМИ БЎЛАМАН

Жажжигина болакай йўлда кетаётиб, бир нарсага қоқилиб йиқилиб тушди, оёғи лат еди. Шифокорга боргунга қадар унга қандай тиббий ёрдам кўрсатиш керак?

Биринчи тиббий ёрдам... Буни ҳар бир киши билиши ва амалда қўллай олиши лозим. Республика ўқувчилар Саройида ёш ҳамширалар тўгараги фаолият кўрсатаётир. Унда ўқувчилар дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш йўл-йўриқларини ўрганадилар. Тўгаракка халқ маорифи аълочиси Гулзода Пўлатова бошчилик қилади. У ҳар бир машғулотни қизиқарли, мазмунли, тажрибалар асосида ўтади.

Ҳамширалик оилада аёл учун, айниқса, она учун жуда зарур. Чунки фарзанднинг тоби бўлмай иссиғи чиқса ёки бирон-бир жароҳат олса, дарҳол онага мурожаат қилиб, мадад кутади. Демак, дастлабки ёрдамни она кўрсатади.

Тўгаракда 46 нафар ўқувчи — асосан юқори синф қизлари — икки гуруҳда машғулот ўтадилар. Ёш ҳамширалар тўгарагида қизлар гигиенаси, болалар гигиенаси, юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳамда шифобахш гиёҳлар, мевалар ва уларнинг инсон саломатлигига фойдаси ҳақида тушунча оладилар.

— Ёш ҳамширалар тўгарагида икки йилдан буён қатнашаётирман, — дейди 124-мактаб ўқувчиси Севара Ғозиева. — Машғулотларга дарсдан бўш вақтларимда келаман. Бу ерда тиббиётга оид ўзим қизиққан саволларга жавоб олишга муваффақ бўлдим. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни амалда — оиламиз аъзоларига лозим бўлганда қўллаяпман. Машғулотларга иштирок этиш жараёнида менда келажакда тиббиёт ходими бўлиш истаги туғилди.

Ҳа, тўгарак собиқ аъзоларининг аксарияти Боровский номли, Охунбобоев номли тиббиёт билим юртларида таҳсил олишаётир.

— Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди тўгарак раҳбари Гулзода Пўлатова. — Хонани жиҳозлаш ишларида, қизлар билан давра суҳбатлари ўтказишда мазкур жамият ходимлари бевосита бош-қош бўладилар. Ёш ҳамширалар тўгарагининг асосий мақсади, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга ўқувчиларда шу соҳага қизиқиш уйғотиш ва йўналтиришдир.

Биринчи ўқув йилида қизлар назарий билим олсалар, кейинги йили ана шу олган билимларини амалда синаб кўрадилар. Баҳорги таътил кунларида улар 6-шаҳар шифохонасида амалий машғулот ўтказадилар. Тўгаракда иштирок этган қизларга битирганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

**Мухбиримиз.**





*Фидойилар*

## МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БИРИНЧИ АВТОМАШИНАСИ

*Бу автомашина шовқини ер титратувчи номдор заводларда эмас ёхуд техниканинг «пири» бўлиб кетган олимлар томонидан ҳам эмас, балки кўримсизгина бир устахонада, фидойи уста етакчилигида болалар томонидан ясалганини биласизми? Буни биз ҳам билмаган ва кўрмаган эдик. Жиззах вилоят ўқувчи-ёшлар ижодий марказига боргунимизча шом бўлди. Марказ жойлашган иморат ёнида қатор машиналар турган экан. Улардан бири диққатимизни тортди. Қизиқиб томоша қила бошладик. Унда на русум, на давлат рақами бўлиб, биз шу вақтгача учратмаган кўринишда эди. Қайси давлатда ишлаб чиқарилганлиги хусусида баҳслаша кетдик — Япония, Америка... Шу пайт вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи муовини Бухорбой ака Акрамов биз томон кела туриб, мушкулимизни кушод қилди.*

*— Ўзимизнинг уста болалар ясашган, — деди у. — Устабоши ҳозир ҳам шу ерда, хоҳласангизлар таништириб қўяй...*

*Бажонидил рози бўлдик. Муовин бизни устахонага бошлади. «Ёш техниклар» станцияси саркори — Исмат Носиров. Машинани ясаган шу киши бўлади, деб жиккаккина, жингалаксоч, 28-30 ёшлар атрофидаги йигит билан таништирди. Исмат самимий, кенг мулоҳазали йигит экан. Шу боис, гурунгимиз қизиб, алламаҳалгача давом этди.*

— Уста, шогирдларингиз билан ясаган машинангизни кўриб, рости ҳайратимизни яширолмадик. Ўз ижодларингиз ва меҳнатларингиз самараси сифатида бунёдга келган ушбу автомашина ҳақида нималар дея оласиз?

— Тўғрисини айтсам, эндиликда бу машинани шаҳарда барча таниб қолди. Узоқдан кўриниши билан «Ана, болаларнинг машинаси келяпти», дейдиган бўлишди. Машинамизнинг русуми ҳам, рақами ҳам ҳозирча фақат шу — «болаларнинг машинаси». Буни ясаш жараёни ҳам қизиқ кечган. Яроқсиз темир парчаларини йиғиб, биргина болға ва ўйгич (зубила) ишлатиб ясаганмиз. Иш жараёнида машинанинг пишиқ-пухта, сифатли ва ишончли бўлишига асосий эътиборни қаратдик. Дарвоқе, бу биринчиси эмас, бешинчиси. Илк машинамни ҳали 10-синфда ўқиб юрган кезларимда ясаганман. Тўртинчи машинамиз ҳам жуда антиқа чиққан. Боиси, уни фақат елим ёрдамида тиклагандик.

— Техникага қизиқишингиз қачондан бошланган ўзи?

— Тўртинчи синфда ўқиб юрган кезларимда. Бир украин домламиз бўлгувчи эди. «Ёш техниклар» тўгараги очиб, бизни бу соҳага шунчалик қизиқтириб қўйган эдики, ҳатто кечалари ҳам тўгаракда қолиб кетар эдик. Ўша пайтларда туғилган қизиқишим ҳарбий хизматдан қайтгандан сўнг ҳам сусаймади. Кела солиб вилоят ўқувчи-ёшлар ижодий маркази қошида «Ёш техниклар» тўгарагини ташкил қилишга киришиб кетдим.

— Тўгарак ишларини бир маромга солиш ҳам осон кечмагандир?

— Даставвал бўм-бўш хонада иш бошлагандик. Шунга қарамай ўз кучимиз билан барча шароитларни яратиб олдик. Эндиликда тўгарагимиз авиамодель, ракетамодель, автомодель, автомотоконструкция ва бошқа йўналишларда фаол иш олиб бормоқда. Жуда иқтидорли болаларимиз бор. Яқинда тўгарагимиз аъзоси, 2-синф ўқувчиси Зафар Зуҳуров ўзи ясаган моделлари билан республика ўқувчиларининг «Ёш техник» кўрик-танловида қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди. Яна бир гуруҳ шогирдларим ўзлари мотоцикл ясаб, мотопойгаларда қатнашиш ҳаркатида юришибди.

— Тўгаракни ўзимиз жиҳозладик, деб айтдингиз. Бу ерга анча маблағ сарф бўлганлиги кўриниб турибди. Маблағ масаласида қийналмаяпсизлармий?

— Маблағни ўзимиз топаяпмиз. Ташландиқ материаллардан ҳар хил харидоргир маҳсулотлар ясаб, сотувга чиқаряпмиз. Биргина мисол. Тошкентнинг машҳур «Отчопар» бозорида «пўшт-пўшт»лаб юрувчи юкчиларни кўргансиз. Ўша замбилғалтакларнинг ярмидан кўпи бизнинг тўгарагимиз маҳсули. Маҳсулотимиз маъқул бўлгандирки, атай ўша ердан келиб олиб кетишади. Тушган даромаддан тўгарак ишларини жонлантириш билан бирга, болаларни моддий рағбатлантириш йўлида ҳам фойдаланяпмиз.

— Демак, қийинчиликлар йўқ экан-да?

— Бир қийинчилик хоналар танқислиги бўлаяпти. Агар қўшимча хона ва кенг-мўл устахона ажратилса эди, биз бундан ҳам катта ишлар қилишимиз, кўпроқ болаларни жалб этишимиз мумкин эди. Аслида ҳар қандай болада техникага мойиллик бўлади. Агар мана шундай тўгаракларга эътибор кучайса, болалар бекорчилигининг ҳам олди олинган бўларди. Ҳар бир мамлакатнинг тараққиётини унинг саноати қай даражада ривожланганлиги белгилайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда юртимизнинг эртанги тараққиётини таъмин этувчи ёшлар ҳам айнан мана шу тўгаракларда шаклланадилар.

*Устабоши билан қилган суҳбатимиздан сўнг хаёлимиздан бир қанча мулоҳазалар кечди. Аввало ўзлигимизни топиш ҳақида. Нима учун биз фақат чет мамлакатларда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан ҳайратланиб яшашимиз керак. Ахир, ўзимизда ҳам дунёни ҳайратга соладиган мўъжизалар сероб-ку! Биз эса оламга татигулик ишларимиз билан фахрланиб, уларга янада ривож бериш ўрнига кўпинча эътиборсизлик қиламиз. Ва яна мадад истагандай нигоҳимизни четга қадаймиз. Халқнинг таъбирича, бировнинг қозонидан ош кутган оч қолади. Ўзингизники эса узоққа татийди. Бунга яна қаҳрамонимиз мисол. Исмат Носиров ёқилғисиз двигатель яратганини, аммо уни ҳаётга татбиқ этишда сарсонгарчиликларга дуч келаётганини айтиб ўтди. Гап бу ерда ихтиронинг қанчалик мукаммал ёки номукаммаллиги ҳақида эмас, балки оддий эътибор ҳақида кетаяпти. Дейлик, мана шу ихтиро Японияда яратилганда, «Эҳ, бу японларни қаранг, қойил» дея ҳайратланган бўлардик. Бу ихтиронинг энг катта ноқислиги шундаки, у ўзимизда, ўзимизга нисбатан ҳайратимизни йўқотган бир паллада кашф этилди.*

*Айтганча, обрўли нашрларимиз мамлакатимизнинг ўз автомашиналарини ишлаб чиқариш ғоялари билан чиқишлар қилиб турган бир паллада, мустақил давлатимизнинг илк автомашинаси аллақачон яратиб қўйилган экан — бу на русум, на давлат рақамига эга бўлган, ҳув, келажак томон елиб кетаётган «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ» машинасидир.*

**Асқар ШОКИР,**
**Икром ИСКАНДАР,**
**«Маърифат»нинг махсус мухбирлари.**

